



# ЖАМИЯТ

№ 7 (643)  
2019 йил  
22 февраль,  
жума

Ижтимоий-сиёс

2006 йил 31 августдан чоп этилган



www.jamiyatgzt.uz



jamiyat@umail.uz



ҲОКИМЛИК  
ВАЪДАСИНИ  
БАЖАРАДИМИ?

СЎЗ  
«БЕГОНА»  
БЎЛМАЙДИ

ЯЛПИ ПАСПОРТ-  
ЛАШТИРИШ  
БОШЛАНДИ

САВОБНИНГ  
ЖАВОБИ

*Фикр*

Халқимиз жасоратли, матонатли, зукко халқ, Навоийхон, Бедилхон халқ. У олтин билан миснинг, олмос билан шишанинг фарқини билади. Ана шу ҳалол, қўли қадоқ, ақли теран халқимиз олдида ҳалол бўлайлик.

**ЭРКИН ВОҲИДОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири

## Хайдовчилар учун янада осон

2019 йил 1 апрелдан бошлаб хайдовчилик гувоҳномасини Ягона интерактив давлат хизматлари порталига онлайн тартибда мурожаат этиш асосида алмаштириш мумкин.




Бунда мурожаатчининг фотосурати Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасидан автоматлаштирилган тизим орқали олинади. Хизматдан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказидан тақдим этиладиган электрон рақамли имзо талаб қилинади. Кирилган маълумотлар текширилганидан сўнг давлат божи тўлаш учун квитанция тайёрланади. Тайёр ҳужжатни давлат хизматлари марказидан олиш мумкин.

## Ўзгариш фақат пойтахтда

Тошкент ШИИББ ЙХХБ жорий йил 1 апрелдан автототранспорт воситаларини рўйхатга олишни Давлат хизматлари агентлигига топширади.

Мазкур санадан эътиборан янги автототранспорт воситаларини рўйхатга олиш ва рўйхатдан ўтиш давлат рақам белгиларини олиш учун пойтахтдаги 11 та «Ягона дарча»дан исталган бирига мурожаат этиш мумкин.

Бу борада бир жиҳат ҳозирча ўзгаришсиз қолмоқда: транспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш ЙХХБ ихтиёрида бўлади.



## Сурдо таржимон энди масжидда ҳам бор

Ўзбекистоннинг учта масжидида имконияти чекланган фуқаролар, эшитиш ва нуқъа аъзоларида нуқсонли бор кишилар учун жума маърузаси сурдо таржимони воситасида ўқилди. «Вақф» хайри жамоат фонди матбуот хизмати шундай хабар берди.

Қайд этилишича, ушбу ойда яна бир қатор масжидларга сурдо онлайн дастури доирасида махсус воситалар ўрнатилиши режалаштирилган.



## Акфа университети

Юртимизда Акфа университети ташкил этилади. Унда тиббиёт, қурилиш, саноат соҳаси йўналишларида бакалавр ва магистратура босқичида таълим берилади.

Университетда таълим олиш тўлов-контракт асосида кундузги шаклда амалга оширилади. Мазкур лойиҳа раҳбари Бекзод Жалилов сўзларига кўра, биринчи йил тиббиёт йўналишига жами 200 та ўрин ажратилади. Шундан 100 таси хорижлик бўлажак талабаларга берилади.

Университетга қабул қилиниш учун абитуриентнинг халқаро IELTS сертификатидан тўплаган бали 6 дан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, у бошқа мутахассислик имтиҳонларидан ҳам ўтиши лозим.

Янги университетда ўқиш 2019 йил 1 сентябрдан бошланади ва биринчи

босқичда талабалар тиббиёт йўналиши бўйича 2019-2020 ўқув йиллари учун ўқишга қабул қилинади. Ушбу йўналиш талабалари 6 йил таҳсил олади.



## Абитуриентни нима(лар) кутмоқда?

2019/2020 ўқув йили абитуриентлар учун кутилган ва кутилмаган янгиликларга бой бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жойлаштирилган «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳужжат лойиҳаси ҳозирча шундай хулоса бермоқда.

Лойиҳа билан, масалан, олдинги ўқув йилларида таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан (тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар, I ва II гуруҳ ногиронлари мустасно) тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг бир баробарига тенг миқдорда йиғим (202 730 сўм) ундириш таклиф этилмоқда. Жорий йил битирувчилари учун тест синовлари бепул асосда ўтказилади.

Шунингдек, амалдаги тартибни ўзгартирган ҳолда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини июль-август ойларида ўтказиш кўзда тутилмоқда. Энг юқори баллининг 30 фоизи ва ундан юқори баллини тўплаган абитуриентларга фанлар бўйича тест синовлари натижалари акс этган, 3 йил муддатга амал қиладиган сертификат бериш ҳамда уларга учтагача таълим йўналишида

танловда иштирок этиш имкониятини яратиш ҳам режалардан бири.


2020/2021 ўқув йилига мўлжалланган ўзгаришлар ҳам кўп. Жумладан, тест фанлари мажмуасини икки бўлимга ажратиш илгари сурилмоқда. Бунда 1-бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий 3 та фан — она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи, 2-бўлимга даъвогарлик қилинаётган таълим йўналишига мос иккита фан киритилади. Она тили бўйича саводхонликни ошириш ва аниқлаш, ёзиш кўникмаларини баҳолаш мақсадида «Ўзбек тили», «Рус тили», «Қорақалпоқ тили» фанлари бўйича алоҳида синовлар ташкил этилади.

Лойиҳадаги шу каби бошқа янгиликлар билан яқиндан танишиш ҳамда таклиф-мулоҳаза билдириш учун regulation.gov.uz га ташириф буюринг.

## Талаб тақиқланди

Жорий йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан айрим ҳужжатларни талаб қилиниши тақиқланади. Булар: жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилгани тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалардир.

Давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мазкур ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари, АТБ «Халқ банки», Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали фақат идоралараро интеграциялашув платформасига ахборот олиш учун улашни йўли билан мустақил равишда сўрайди ва олади.



## Ялпи паспортлаштириш бошланди

Давлат солиқ қўмитасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими хабарига кўра, солиқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини профилактика қилиш мақсадида ялпи паспортлаштириш (кўздан кечириш ҳамда сўров ўтказиш) тадбирлари бошланди.



Таъкидланишича, ушбу тадбирлар ҳужжалик субъектларини текшириш билан умуман боғлиқ эмас. Асосий мақсад солиқ қонунчилигига риоя этишда тадбиркорларга қўмақ ва маслаҳат беришдан иборат.

Ялпи паспортлаштириш жараёнида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳеч қандай маъмурий ва молиявий жарималар қўлланилмайди. Мавжуд тушунмовчилик, камчиликлар ҳамкорликда бартаф этилади.

## Wi-Fi муаммосиз

«Тошкент-Марказий» ва «Тошкент-Жанубий» темир йўл вокзалларида тезлиги 100 Мб/с бўлган бепул интернет Wi-Fi хизмати ташкил этилди. Ушбу хизматдан вокзал ҳудудида жойлашган ва ҳар қандай уяли алоқа операторининг абонентлари бўлган йўловчилар эркин фойдаланиши мумкин. Темир йўл чиптаси бор хорижлик сайёҳлар учун эса махсус ваучер ҳамда бепул интернетга кириш имкони берилади.

Келгусида юртимиздаги барча темир йўл вокзалларида интернетга бепул улашни босқичма-босқич йўлга қўйилади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни электр энергетикаси тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

# Сўз «бегона» бўлмайди

**Ф**аолиятим да-  
вомида кўп дуч  
келдим: дарс жараё-  
нида аксарият ўқув-  
чилар «мутаносиб»,  
«мушкул», «машварат»,  
«тахлика», «ғализ»,  
«таажжуб», «хокисор»,  
«залворли» каби ай-  
рим сўзларнинг маъ-  
носини унчалик ҳам  
тушунмайди ёки мут-  
лақ билмайди. Тўғри,  
бу сўзлар кундалик  
ҳаётда кам қўллани-  
лади. Бироқ адабиёт  
дарсликлариди, улар-  
дан ўрин олган ҳикоя,  
қисса, дoston, роман  
парчаларида кўп уч-  
райди. Демак, ўқувчи-  
ларга бундай сўзлар  
нотаниш ёки бегона  
эмас, аслида. Аммо,  
афсуски, уларнинг ўзи  
бадий асарни ўқиш  
жараёнида бунга эъ-  
тиборсиз қараган, ўз  
вақтида — мутолаа  
чоғида маъносини ан-  
лаб етмаган.



Инкор этмайлик, бунда педагог-  
ларнинг ҳам «ҳисса»си бор. Таълим  
масканларида адабий, бадий ижод  
намуналари билан ўқувчиларни та-  
ништириш мобайнида асарларнинг  
мазмун-мундарижаси, гоёси, образ-  
лар тавсифи каби муҳим жиҳатларни  
таҳлил қилиш баробарида ёзувчининг  
сўз танлаш маҳорати, ҳар бир сўзнинг  
«юки», маъносига ҳам эътибор қара-  
тиш зарур.

Масалан, «хат» сўзининг «мактуб»  
синоними ҳам қўлланилади. Бу сўз-  
ни яна қандай ифодалаш мумкин? Се-  
вимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий-  
нинг «Ўткан кунлар» романида унинг  
«нома», «ёрлик», «битик» каби сино-  
нимлари учрайди. Ёки «халқ», «мил-

лат» сўзлари «оломон», «эл», «жамoa»,  
«фуқаро» каби маънодошлари билан  
алмаштириб қўлланилган. Ёзувчи бу  
сўзларни шунчаки такрорнинг олдини  
олиш учунгина эмас, алоҳида мақсад  
билан моҳирона ишлатган. Яъни, ҳар  
бир сўзнинг зиммасига «вазифа» юк-  
лаган. Масалан, «мактуб» сўзи ижтимо-  
ий муносабатларда, «нома» эса расмий  
ёзишмаларда ишлатилган. Халқнинг  
тартибсиз ҳолати «оломон» деб тасвир-  
ланган бўлса, юртнинг бош соҳиблари  
халқни яқин олиб, «фуқаро» деб муро-  
жаат қилган.

## Кадимда давлат Раҳбари «шоҳ»,

«подшоҳ», «давлат-  
паноҳ» дейилганидан  
хабардормиз. Абдулла  
Қодирий ушбу асарда  
подшоҳни қуйидаги  
номлар билан атай-  
ди: «шаҳаншоҳ», «сул-  
тон», «ҳоқон», «жаноб»,  
«шаҳриёр», «хон», «хон  
ҳазратлари», «пада-  
ри арус», «жаноби тож-  
дор», «соҳиб тож»,  
«жаноби олий», «тож-  
дори амиралмўми-  
нин», «султони сало-  
тин», «ҳузури ҳумоюн»,  
«тождори мусулмо-  
нон». Қаранг, тилимиз  
қанчалик бой, қанча-  
лар чиройли.

Ҳар қандай бадий асарни ўқитиш,  
ўрганиш жараёнида мураккаб ва но-  
таниш сўзлар таҳлили, маъновий қир-  
раларига шу тарзда алоҳида тўхталиб  
ўтилса, ўқувчи битта дарснинг ўзида  
бир сўзнинг бир неча шаклдоши, маъ-  
нолошини ўзлаштириб олиши тайин.  
Бунинг ижобий томонлари ҳақида эса  
кўп гапириш мумкин. Энг муҳими,  
ёшларимиз тилимизни қанчалик яқин  
билса, улар учун сўзларнинг «бегона»си  
бўлмайди.

Замира ЧОРИЕВА,  
Тошкент шаҳридаги Турин политех-  
ника университети ҳузуридаги  
академик лицей ўқитувчиси

# Чирмовиқ


**О**датда танаффус  
вақтида аксар  
ўқувчилар дарс муҳо-  
камаси ўрнига сериал-  
лар ҳақида гаплашади.  
Бунга ҳайрон бўлардим.  
Афсуски, бу ҳолат бугун,  
ҳатто, кўча-кўйда ва бе-  
катларда ҳам учраётгани-  
га гувоҳ бўлиб боряпмиз.

Вазиятни мулоҳаза қилиб кўрдим.  
Шу кунларда «Эртугрул», «Муҳташам  
юз йил», «Абдулҳамид...» каби тарихий  
сериаллар билан бир қаторда «Сўйла,  
Қораденгиз», «Ховли», «Фазилат хоним  
ва қизлари», «Пул ва гул ишқи», «Ишқ  
соҳиллари», «Жасур ва Гўзал» каби турк  
кино ижодкорларининг маҳсулотли, шун-  
ингдек, такрорий равишда «Юраклар  
жанги», «Зурриёд — 2», «Эзгулик ҳуду-  
ди», «Она дарё», «Дил пайванди» теле-  
сериаллари намоиши этиляпти. Улар  
айни «прайм-тайм», яъни кечги вақтда  
бутун оила дастурхон атрофида жамул-  
жам бўладиган маҳалда эфирга берил-  
моқда.

**Тўғри, кино ва сери-  
аллар томошабинни зе-  
риктирмай, бўш вақтни  
мазмунли ўтказиши мум-  
кин. Айниқса, тарихий,  
маърифий фильмлар**

кишига маънавий озуқа  
улашади. Аммо юқорида  
номи саналган сериал-  
лар ҳақида бундай, деб  
бўлмайди. Улар, аслида,  
одам онгини чалғитиш-  
га хизмат қилади, холос.  
Айримларида қотиллик  
ва хунрезликлар учрай-  
ди. Шуларнинг ўрнига  
маърифий йўналишда-  
ги бадий фильмларни  
кўпайтирсак бўлмайди-  
ми? Яъни, ёшларнинг  
маънавийти ва маъри-  
фатини юксалтирадиган,  
ўтмишдаги тарихий шах-  
сларнинг ҳаёт ва ижод  
йўли ифода этилган,  
айниқса, китоб ўқишга  
чорлайдиган таъсирчан  
руҳдаги сериаллар намо-  
иши этилса...

Ўтган йилнинг сўнггида «Ёш ки-  
тобхон» кўрик-танловига голиб  
чиққан тенгдошларимни телевизор  
орқали кўриб, жуда ҳавасим келди.  
Кўрсатувнинг ҳар бир сонини қолдир-  
масдан томоша қилдим. Юртимизда  
истеъдодли ёшлар кўплигидан кўнг-



лим гурурга тўли. Аминманки, улар  
илм олиш йўлида жуда кўп изланган,  
заҳмат чеккан. Ана шундай билимли  
йигит-қизлар тўғрисида кўп қисмли  
бадий фильмлар яратилса, ҳамма-  
миз мириқиб томоша қилардик. Зеро,  
телевидение тарғибот воситаси экан,  
биз — ёшлар кўрганда улардек бўлиш-  
га интилардик.

Сарлавҳани ўқиб, ҳайрон бўлган-  
дирсиз? «Ўзбек тилининг изоҳли луға-  
ти»да девпечак, зарпечак, печактул  
сингари чирмашиб ўсадиган ўсимлик-  
ларнинг умумий номи «чирмовиқ»,  
деб аталиши эзиб кўйилган. Шундай  
экан, миллионлаб мухлисларни ўзи-  
га жалб этиб, фақатгина томошабин

вақтини зое кетказишга хизмат қи-  
ладиган ана шундай «чирмовиқ сери-  
ал»лардан воз кечиш керак. Уларнинг  
ўрнига меҳнат, машаққат, изланиш  
орқали яхшилик, маърифатга эри-  
шишни тарғиб қиладиган маҳсулот-  
ларни кўпайтириш лозим. Чунки ин-  
сон онги шундай нозикки, уни қандай  
озуқа билан тўлдирса, натижа ҳам  
шунга яраша бўлади. Онгу шууримиз,  
қалбимизни қабоҳат эмас, балки маъ-  
рифат эгалласин.

Зилола ПЎЛАТОВА,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети қошидаги  
академик лицей ўқувчиси



Жорий йилнинг 11-17 март кунлари Тошкент шаҳрида илк маротаба «Hashar week» лойиҳаси амалга оширилади. Унда иштирок этганлар чиқиндиларни саралаганлик учун мукофот олади.

«Пора» сўзи ёзилган  
2000 тенге

**Х**озирги кунда ахборотнинг тарқалиши жуда тез. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали ҳар хил мавзудаги ахборотни ўқишингиз ва қидирган ролик ёки матни осонгина топишингиз мумкин. Сиз аёзоси бўлган тармоқдан фалон амалдор пора билан ушлангани, қайсидир ташкилотнинг ходими ишга жойлаштириб қўйиш ёки ўқишга киритиш учун қанчадир пул сўрагани ҳақида хабар топасиз. Буни қарангки, 2016 йил қуйидаги хабар тарқалди: «Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида жойлашган савдо марказларидан биридаги банкомат ундан нақд пул ечиб олишни режалаштирган маҳаллий наشرлардан бири «Ак Жайик» мухбирининг қўлига «пора» сўзи ёзилган 2000 тенге «тутқазди».

Бундан келиб чиқадики, ҳатто, банкоматлар ҳам пора учун ағалган пуллари билан тўлдириб қўйилган экан-да.



«Порахўрлик мактаби»

Бир танишим билан шу масалада тортишиб қолдик. «Сенга давлат бераётган маошнинг ўзи етади-ку, яна ўқувчиларингдан пора олиб нима қиласан?» деганимда, у «мен ҳам талаба бўлганман, мен ҳам устозларимга пора берганман, энди қайтариб оляпман», дея жавоб қайтарди. Демак, таълим масканлари ҳам бу борада анчагина тажрибага эга ва ўзига хос «порахўрлик мактаби» ни ўтамоқда экан-да.

Бир ажабтовур нақд бор: «Кўл кўлни танийди». Буни айтаётган одам худди фалсафий дуқма ташлагандек мағрурданади. Бироқ таг замирида жиноят ётганини ҳис қилмаймиш. Кўр-кўрона амалларимиз билан коррупцияга йўл очиб берамиш.

«Левый» борми?...

Энг қизиги, шу вақтга қадар уч-тўрт ташкилотнинг тузини тотдим ва ҳар доим давлат хизматида бўлдим. Янги ишим билан табриклаган дўстларимнинг суҳбати, албатта, «левый»га бориб тақалади. Уларга моюнанинг микдори унчалик қизиқ эмас, ҳатто, ўн миллион бўлган тақдирда ҳам «левый борми?» дея саволга тутишдан ийманишмайди.

Мабодо «ҳа» деб жавоб берсангиз, сиздан нафратланиш ўрнига ҳавас қилишадди. Чунки бу савол бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. **Масалан:** мен ўзбек бўли туғилганман, ҳеч ким ўргатмаса-да, она кўксига талпинганман, сочим қора бўлган, чунки отамнинг ҳам сочи қора ва кейинчалик орттирган қусурларим жамиятга мослашиш, ношуд бўлиб қолмаслик учун қилинган ҳаракат деб баҳоланади. Буларнинг ичида энг ачинарлиси эса давлат берган иш ҳақидан ташқари кимнингдир қўлига қарашим ёки имдол кутишим, иши тушиб турган одам олдида маъноли йўталишим, «сендан угина, мендан бугина» деган мақолни тақроқлашим. Шунда ҳам тушунмаса, ҳаётдан нолишим... «Шу десангиз шаҳар бешафқат, маошимиз рўзгорга етмайди, тагин ўғилча велосипед мингиси келяпти» дейишим... Шунда ҳам тушунмаса, чиқиб кетгандан сўнг: «Жа зикна одам экан-да» деб тиржайиш ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Биз бу ишлардан ҳаё қилмаймиш, ундан-да ачинарлиси «левый» қилганларни «удабурон»лар деб атаймиш ва уларга йўл очиб берамиш. Тагин кимдир иши ҳал бўлмаётганидан гап очса, бизнинг жавобимиз қуйидагича бўлади: «олмайдиган одам бўлмайди, беролмайдиган

одамлар бўлади». Бу гапни шунчаки йўлга қилинган ҳазил деб баҳолашимиз мумкин-у аммо адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, адабиёт атомдан кучли, бироқ унинг кучини ўтин ёришга сарфлаялмиш. Бундан шунинг англашимиз мумкинки, сўз ўз-ўзидан миллатнинг амалини кўрсатиб беради.

Юзхотир қилган қозилар

Хозирги кунда «google» қидирув авж олган, биз ҳам «коррупция» сўзини ушбу иловлага киритганимизда минглаб ёзувлар чиқиб келди. Эътиборимизни тортгани эса 2018 йил 21 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди судьяси 500 АҚШ долларини пора сифатида олаётган пайтда қўлга олинди» деган хабардир. Тўғри, интернет наشرларидан бунга ўхшаган жуда кўплаб маълумотларни топиш мумкин. Лекин яна афандининг қозига қирқта патир бергани-ю, бойнинг юз танга берганини ёдга олмасдан ўтолмаймиш.

Нетай, табибимнинг ўзи ҳам бемор

Сирасини айтганда, Мухаммад Юсуфнинг «Туя тўйди, фил тўйди, сен тўймадинг одамзо!» деган сатрлари «Левыйи борми?» деган саволга жавоб бўлармикан!?

Коррупция ҳақида қанчалик бонг урилмасин, одамлар ички масъулият ва шукроналикни ҳис қилмас экан, бу «ўргимчак тўри» бутун Ер шарини қамраб браверади. Ҳар бир мақоланинг сўнгида аҳвол яхшилаганини учун мутасалли ташкилотларни огоҳликка чақирад эдик, бироқ юқоридagi қозининг пора билан ушланганини ёдга оладиган бўлсак, «Нетай, табибимнинг ўзи ҳам бемор» дея фикримизга хулоса яасашга мажбурмиш!

Бегали ЭШОНҚУЛОВ,  
«Жамият» мухбири

**А**йни кунларда ижтимоий тармоқлар туркиялик актёр Бурак Ўзчивитнинг юртимизга ташрифи акс этган турли хабар ва видео тасвирлар билан бойиди. У сафар давомида «Зўр ТВ» телеканалда бир неча кўрсатувларда иштирок этиб, реклама лойиҳаларида ҳам суратга тушди.

Гап меҳмоннинг нима мақсадда келганида эмас. Балки унинг Тошкент кўчалари бўйлаб сайрида ўзбек хотин-қизларининг актёр билан суратга тушиш учун уриниши, аммо жаноб Бурак бундан янада «илҳомланиб», уларнинг илтимосига қайрилиб ҳам қарамагани кишини ҳайратлантиради. Хўп, у шунчалик «юлдуз» санъаткор экан, лекин бизнинг аёлларимизга нима бўлди? Актёрга кўзи тушган қиз-жувон борки, хазина топгандек суюниб, унга талпинишини қандай изоҳлаш мумкин? Эҳтимол, машҳур инсон билан бирга суратга тушишининг нимаси ёмон, дегувчилар ҳам топилар. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати борки, у ҳам бўлса,

«ХўРОЗҚАНД» ЧЕТ ЭЛЛИК ДЕСА...



Бек АЛИ чизган сурат.

қизларимиздаги андиша, ҳаё, уят...

Актёрнинг юртимизга ташрифининг асл мақсади кишини янада ҳайратлантиради. Нима эмиш, у Тошкентга ай-

нан мухлислари билан зиёфатда иштирок этиш учун келибди. Айрим наشرларда маълум қилинишича, бу зиёфат ўзбекистонлик нуфузли шахсларнинг рафиқалари, бизнес вакиллари учун 2 миллион турк лираси, яъни 380 минг долларга тушганмиш. Икки ярим соатлик мулоқотда мухлислари у билан суҳбатлашиб, бирга суратга тушиш имконига муяссар бўлган.

Ташкилотчиларнинг айтишича, Бурак Ўзчивит пойтахтимизда барпо этилаётган «Олмазор Бизнес Сити» тураржой мажмуасининг реклама кампанияси юзи ҳисобланади. Шу боис у Тошкентга ташриф буюрган.

Маълумот учун айтиш керакки, турк актёри ўзбек томошабинига икки йил муқаддам «Зўр ТВ» телеканалда эфирга узатилган «Севги изтироби» сериалидаги иштироки сабаб танилган. Якунда сериал турли танқидларга учраб охиригача намойиш этилмаганди. Чунки актёр ижро этган Камол образи ўзганинг

рафиқасига талпинадиган, унга етишишга ҳаракат қиладиган йигит. Унинг сериалдаги рақиби ҳам ундан ўтса, ўтадики, асло қолишмайди. Хуллас, икки эркак битта аёлни талашган. Ана шундай томошабинга «маънавий озуқа» берган сериалдаги ўзига хос роли билан шухрат қозонган Бурак Ўзчивит ўзбек аёлларининг ҳам меҳрини қозониб улгурибди. Бўлмаса, оддий бир актёрга бунчалик эътибор кўрсатилмасди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, актёрнинг зиёфатда иштироки салкам 380 минг долларга баҳоланган. Энди бу маблағни ўзимизнинг миллий валютаимиз — сўмга ўтирсак, уч миллиардан ортиқ деганидир. Шунча маблағга қандай ишларни қилиш мумкин-у, қанча муҳтожларга кўмак кўрсатилиши мумкин эди. Қанчадан-қанча дардмандининг дарлига шифо топса бўларди. Санаасак, адоғи йўқ.

Хуллас, машҳур фильмда айтилганидай, «Хўрозқанд чет эллики деса...». Қачонгача бемаъни, бемаза одатлар-у, «инқилобий» янгиликларга қўл ураве-рамиш? Маънавият, дея бонг урилгани билан бу каби «томоша»ларнинг олди олинмас экан, маънавият ҳақида сўз очишни йигиштириб қўяйлик.

Хайрулло ХАЙИТҚУЛОВ



Ўзбекистонда онлайн режимда зарур дори воситасини излашга йўналтирилган янги «Apptechka» лойиҳаси ишга туширилиши мумкин.

# ТАНИЛМАЙ, ТАН ОЛИНГАН АЁЛ

**А**ксарият газета-журнал, теле-радиока-  
налларда машхур инсонлар, хусусан,  
санъаткорлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирамиз.  
Нега? Чунки уларга ҳамма қизиқади, ҳавас  
қилади. Лекин ён-атрофимизда давлатга, жа-  
миятга, одамларга кўпдан-кўп ёрдами тегаёт-  
ган, ҳар қанча ҳавас ва эътиборга арзигулик  
фидойилар ҳам талайгина. Ҳа, улар актёр,  
қўшиқчидай танилмаган, аммо тан олинган.  
Меҳнати, хизмати шунга муносиб!



«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон иш-  
билармон аёллар уюшмаси Тошкент  
шаҳар бўлими раиси Вазира Йўлдо-  
шева ана шундай инсонлардан. У  
тадбиркор аёлларга яқин маслакдош.  
Тажрибаси, салоҳияти уни шу дара-  
жага олиб чиқди. Ахир, умрининг 43  
йили бизнес, ишбилармонликнинг  
баланд-паст йўлларида ўтди, юзгунчи  
ҳам, синовни ҳам бошдан кечирди.  
Мана, энди ўзи ўрганиб, тобланиб  
олган сабоқларини тадбиркор хо-  
тин-қизларнинг маъқеи ва салоҳи-  
ятини янада юксалтириш, уларнинг  
ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-  
ришга бахш этмоқда.

**Оилали, 3 нафар  
фарзанди бор.  
Намунали оила бекаси,  
жонқуяр раҳбар сифа-  
тида ҳурмат қозонган.  
Неча-неча хотин-қиз  
унинг йўл-йўриғи, қўл-  
лаб-қувватлаши би-  
лан рўзғорига даромад,  
эл-юртга барака олиб  
қирмоқда.**

— «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон  
ишбилармон аёллар уюшмаси Тош-  
кент шаҳар бўлимининг 11 та туман  
филиали мавжуд, — дейди В.Йўлдо-  
шева. — Улар 2500 нафар тад-  
биркор аёлни бирлаштирган.  
Мақсадимиз тадбиркорлик-  
ни кенг тарғиб этиш орқали  
аёлларнинг фойдали меҳнат  
билан бандлигини таъмин-  
лаш. Бу жараёнда уларнинг  
тадбиркорлик ташаббуслари-  
ни рўёбга чиқарамиз, ишсиз  
опа-сингилларимизни бизнес  
асослари ва меҳнат бозорига  
харидоргир бўлган касбга қай-  
та ўқитамиз. Бу, ўз навбатида,  
янги иш ўринлари яратили-  
шига ҳам асос бўлади.

Уюшма Хотин-қизлар кў-  
митаси томонидан ўтказилган  
«100 та инновацион лойиҳа»  
кўрик-танловида туманлара-  
ро энг яхши тадбиркор аёл-  
ларни муносиб ўрин эгал-  
лашига катта ҳисса қўшди.  
Ҳар ойда туманларда тадбир-  
корлик фаолиятига ўқитиш,  
банклардан имтиёзли кредитлар  
олишга кўмаклашиш бўйича бе-  
пул семинарлар, давра суҳбатлари  
ташқил қилаётир. Ёшлар иттифоқи  
билан ҳамкорликда коллеж бити-  
рувчиларига тадбиркорлик, иш-  
билармонлик бўйича илк сабоқ ва  
кўникмалар бериш имкониятини  
яратмоқда. Шу каби саъй-ҳаракат-  
лар натижасида биргина 2017-2018  
йилда 2005 та янги иш ўрни яратил-  
ди. Тадбиркор аёлларга банклар-  
дан 2.8 миллиард сўм кредит олиш-  
га ёрдам берилди. Шу йилларда  
уюшма аъзолари сони 452 нафарга  
ортиди.

— Ҳар йили пойтахтимизда ту-  
манлараро «Энг яхши тадбиркор  
аёл» ва «Энг яхши тадбиркор қиз»  
кўрик-танловини ташқил этаймиз,  
— дейди Вазира Йўлдошева. — Бун-  
дан ташқари, ўтган йили ҳар бир ту-  
манда 20 нафардан, Тошкент шаҳри  
бўйича минг нафардан ортиқ-хотин  
қиз 7 та йўналишида касб-ҳунарга

ўқитилди. Иштирокчилар учун ўқув  
қўлланма, брошюралар чоп этилиб,  
тарқатилди. «Ҳамкорбанк», «Ми-  
крокредитбанк» билан ҳамкорлик



асосида ўтказилган семинарларда  
банклардан имтиёзли кредит олиш  
имкониятлари ўргатилди.

Шунингдек, уюшма аъзолари  
учун логистика, экспорт ва импорт  
фаолиятида боғхона хизматлари,  
шартномалар тузиш, ташқи иқтисод-  
дий фаолият каби мавзуларда бепул  
маслаҳатлар берилди. Бу қўллаб-тад-  
биркор аёлларга ишлаб чиқараёт-  
ган маҳсулотларини жаҳон бозорига  
олиб чиқишда катта кўмак бўлди.

Ҳозирги кунда Вазира Йўлдо-  
шева «MARVA AGRO» фирмасини  
ҳам бошқариб келмоқда. Мева-саб-  
завот етиштириб, бир нечта чет дав-  
латга экспорт қилаётган фирмада 20  
та доимий 50 та мавсумий иш ўрни  
бор. Бу тиниб-тинчимас тадбиркор  
юртимизнинг барча хотин қизлари-  
ни ана шундай фаоллик ва филойи-  
ликка чорлайди.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
«Жамият» муҳбири



Мамлакатимизда жорий йилнинг январь ойида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахслар-  
ни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш  
марказларига (шелтерлар) 1712 нафар аёл мурожаат қилган.

**Марат ака нурушдан сўнг Нодирга машина-ни йўлга олиб чиқишни айтди. Энди уловга ўтирган эдиямки, Мўътабар ая уни тўхтатди.**

— Ҳа, хўжайин, йўл бўлсин?

— Вилоятимизга қўшни худудда Сардоба деган сув омбори ишга тушибди, шуни ўз кўзим билан кўриб келмоқчиман...

— Шошманг, мен ҳам бораман.

Нодир ота-онаси билан қаёққа кетаётганини шу лаҳзада билди.

**Чўллар ҳам кечагимас**

Машина Жиззах шаҳридан чўл томон олға кетарди. Ҳа, шаҳар ҳам, чўл туманлар ҳам обод бўлиб кетибли. Шу жойлардан ўтар экан, Марат ака аини кучга тўлган йигитлик даврининг тўрт йилини шу чўллар бағрида ўтказганини ёдга олди. Шароф Рашидов даъвати билан чўлга ишга келганди. Қадрдон жойлар... Йиллар мобайнида қақраб ётган ерларга чигит қадалди. Ғўза майдонининг учу қўёш ботаётган уфққа бориб туташади. Эҳ-ҳе, инсон сай-ҳаракати туфайли буланд хирмонлар пайдо бўлди, лекин машаққатли меҳнатнинг ҳеч чеки кўринмасди. Одам боласи қандай қийинчилик бўлмасин, барига чидар экан. Ҳозир озгина тер тўкишдан ноланг ёшларга ўз бошидан ўтган риёзатни эринмай гапириб беради. У замон олдида унча-мунча қийинчилик ҳеч нарса эмаслигини тушунтиришдан чарчамайди.

«Юрган — дарё, ўтирган — бўйра» деб бежиз айтишмас экан. Бугунги ислохотлар одимини юракдан ҳис этиш учун тез-тез сафарга чиқиб туриш, рўй бераётган ўзгаришларни кўз билан кўриб гувоҳ бўлиш керак экан. Нафақат бунёдкорлик масканларининг пайдо бўлиши, балки одамлар тафаккурдаги юксалишни англаш учун ҳам у ерларга бориш керак. Пахтакор туманидан кейин Дўстлик

**САВОБНИНГ ЖАВОБИ**

хулуди бошланади. Манас қишлоғидаги янгиланишлар оламшумул аҳамият касб этибди. Қаранг, наҳотки, бу илгари чўл ерларидаги бараклардан иборат манзил бўлса? Аввалги ва ҳозирги манзара ўртасидаги катта тафовут инсон қудрати нималарга қодир эканини яққол кўрсатиб турибди.

**Сафар завқи...**

Машина 80 километрлар йўл босгандан кейин улар Сардоба сув омборига етиб келишди. Улкан сув ҳавзасида оби ҳаёт мавж урмоқда. Ёзнинг жазирасида унинг томчиси тиллага тенг бўлади. Жами 922 миллион кубметр сизимга эга бу омборда тўпланган сув Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой туманлари далагарига чин маънода ҳаёт бағишлайди. Мингминглаб гектар ғўзалар сув танқислигилан қовжирганда бу сув қаёқда эди дейсиз?! Энди унинг ҳар томчиси зарминга сингиб, эл-юрт ризқига барака киритади. Шу жойлар ҳам Ватанимизнинг бир бўлаги. Уни томошга қилган одам гоийбдан куч олгандай бўлади.

Бундан буён бирор даврала Сардоба сув омбори ҳақида гап кетса, Марат ака мен бу омборни кўрганман, кўриб завққа тўйганман, дея олади. Кейинги йилларда бунёд этилган бу катта иншоот ҳақиқатла эл оғзида афсона бўлудек.

**60 йил ёнма-ён**

Мўътабар ая ҳам бундай ажойиб сафardan мамнун эди. У умр йўлдоши билан ҳаёт кечираётганига, мана, 60 йил бўлибди. Шу йиллар давомида ҳаётда қандай синов ёки қийинчилик бўлса, икковлон биргаликда енгишди. Чўлдаги мардонавор меҳнатдан кейин Жиззахга қайтишди. «Райком»да масъул ходим, мактабда директор лавозимларида Марат ака фаюлятининг мазмунли қисми ўтди. Фарзандлари Насиба, Ёдгор, Холита, Нигора,

Дилдора ота изилан бориб, педагогиклан барака топди. Собир темир-бетон буюмлари заводи директори, Ботир, Ўткир талбиркор, Тоир фермер, Нодир вилоят ҳокимлигида масъул ходим даражасида ишлаб, эл назарига тушди.

Марат Зокиров Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреатлари етишиб чиқишига катта ҳисса қўшди. Жиззах воҳасида эл-улус



Суратда: Марат Зокиров турмуш ўртоғи Мўътабар ая билан

Ботир Қудратов олган сурат.

ичида ном қозongan Зокир Норматов ҳақидаги «Ота» деган китоб Марат аканинг ижод маҳсулларидан биридир. 2017 йилда атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги бутун мамлакат бўйича кенг нишонланди. Марат Зокиров бу санага бағишлаб, «Кўҳна заминнинг буюк фарзанди» номли китобни ўқувчиларга тухфа этди.

**Меҳрнинг нархи йўқ**

Марат ака сафар таассуротлари билан тўлиб-тошиб уйга қайтса, меҳмон келганини айтишди. Маълум бўлишича, у бундан ўттиз беш йил олдин ўқитган ўқувчиларини бири экан.

Устоз қутилмаганда ташриф буюрган шоғирдини дафъатан танимади. Эҳ-ҳе, ҳар йили юзлаб ўқувчи битирса, уларнинг ҳаммасини эслаб бўладими? Кўча-кўйда, маҳаллада, тўй-маъракаларда

«Устоз, омонмисиз, сизда ўқиганман» деб эҳтиром кўрсатган шоғирларнинг ҳаммасини танимаслик мумкин. Лекин шоғирд меҳрини бериб тарбияланган устознинг самимий сиймосини юрагига муҳрлайди. Чунки бой ҳаётий тажриба соҳиби бўлган мураббий оддий истаги, маслаҳати билан ўқувчиси тақдирига муҳим бурилиш нуқтасига сабаб бўлиши мумкин. Худди Марат Зокировдек... Мана, меҳмон ҳам ҳозир шу ҳақда сўз очяпти:

— Ушанда менга тўғри маслаҳат берган эдингиз, — деди собиқ ўқувчи. — Шунга раҳмат айтгани келдим.

Қизиқ, деҳқон баҳорда уруғ қаласа, ёз бўйи қилган меҳнати самарасини кузда олиши мумкин. Ўқитувчи эса қачонлардир сарфлаган меҳнати ҳосилдан орандан кўп йил ўтгандан кейин ҳам баҳраманд бўла олади. Эзгу ишнинг савоби муттасил ёзилиб туради, деган ҳалиси шарифнинг исботи шу бўлса керак.

Ҳаётда турфа хил одамлар бўлгани каби аини бир нарсага турлича баҳо берилган ҳолатлар учраб туради. Айтилик, кимдир устоз хурматини жойига қўйиб, миннатдорлик изҳор қилса, «Ҳа, ўқитган бўлса, бунинг учун ойлик маошини олган-да» дегувчилар ҳам топилади. Лекин аслида ўқитувчи таълим бераётиб, ўзига манфаат изламайди. Ким бўлса ҳам, шу шоғирдим ҳаётда адашмасин, деган ниятга йўғрилган хоҳиш фақат меҳр туфайли намоён бўлади. Меҳрини эса моддий кўринишда ифодалаб бўлмайди.

Марат Зокиров қўлида ўқиб, бутунги назда мамлакат ва вилоят миқёсида эл назарига тушганлар анчагина. Улар «Биз устозимиздан фахрланамиз!» деб баралла айтади. Буларнинг бари шу йил баҳор фаслида 80 ёшга қарши олаётган Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров учун савобнинг жавоби қайтаётгани десак, адашмаган бўламиз.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист

**Яхши ҳам, ёмон ҳам устоз**

**Бекатда гарбча — йиртиқ-ямоқ кийинган икки йигит турарди. Уларнинг шимларини кўриб, кулгим келди. Бир-бирига қимматбахо телефонидаги расмларни кўрсатишар, атрофдагилардан истиҳола ҳам қилишмасди. Бехосдан бирининг телефонидаги ярим яланғоч қиз суратига кўзим тушди. Шу дам юрагимда кечаётган кулги ўрнини ғазаб, аччиқланиш эгаллади. Атрофдагиларнинг бири «ёмон болалар экан», деса, бири «тарбиясиз экан», деди-қўйди. Табиийки, бунинг гувоҳи бўлган ҳар қандай одамнинг дили ғашланади. «Оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари ҳусусида такрор ва такрор гапирляпти. Унга қарши чоралар кўриляпти. Бироқ юқоридаги каби ҳолатлар ахён-ахёнда барибир учраб турибди.**

..Уй-хаёллар билан автобусга чиқдим. Ёнимга чамаси 30-35 ёшлардаги аёл келиб ўтирди. У билан гапимиз қовушиб, суҳбатлашиб кетдик. Шаҳардан чеккароқ қишлоққа турмушга чиқибди. Онасини кўриб қайтаётган экан. Суҳбатимиз ёшлар ва болалар тарбияси ҳақида кетарди. Ҳалигина кўрган воқеани айтиб бердим.

— Фарзанд тарбияси ҳақида кўп китоб ўқийман, — деди ҳамроҳим. — Турмуш ўртоғим ҳам болалар тарбиясига яхшироқ эътибор беришимни, уларга

турли халқ мақоллари, эртаклар айтиб туришимни таъкидлайди. Бунинг учун ҳикматли сўзлар, мақоллар тўпламлари, тарбиявий асарлар олиб келишни катта қилмайди. Биз олий маъlumотли эмасмиз, лекин китоб ўқишдан, ундан нимадир олиб ҳаётимизга татбиқ этишдан чарчамаймиз. Бунинг учун киши ўқишни ва ўқини билса бас.

Ҳамроҳимнинг бугунги ҳаётидан мамнунлиги шундоққина юзларида акс этиб турарди.

— Яхшиям қишлоққа тушибман,



— дейди у. — Чунки бу ерда одамларнинг ўзаро меҳр-оқибати шаҳарникидан анча қимматли. Одамлар бир-бирини ардоқлайди, таниган-танимаганга салом беради. Катталар бегона болага ҳам бемалол танбёҳ, тарбия беради. Бетарбия, деб индамай ўтиб кетмайди. Ўз навбатида, ёшлар ҳам уларнинг ҳақ эканини тўғри қабул қилади, хурмат қилади, насиҳатларига қулоқ тутади. Шаҳарда-чи, танимайди деб, сиз айтгандай жамоат жойида ҳам беҳаёлигини кўймайди. Салом-алиқни-ку, гапирмасак ҳам бўлар. Аниқ биламан, сиз айтган кийиниш бизнинг қишлоқ ёшларига ёт. Бир куни маҳаллага кираверишда қўшнимнинг ўли 2-3 бегона бола билан йигилиб, телефонда нималарнидир кўриб, баҳшашарди. Нима «томоша»-лигини билиш учун ёнига бордим. Кол-

лежда бирга ўқийдиган тенгдошлари билан ҳикматлар, алломалар ҳақида тортишаётган экан. Улардан мен ҳам телефонимга кўп нарса ўтказиб олдим. Бизда ёши катталар шундай — иккиланмасдан ёшларнинг нима иш қилаётганини сўрайди...

Сўнгра ҳамроҳим сумкасида телефон олди. Унинг экранида шундай сўзлар бор эди: «Ёнимда икки ҳамроҳим бўлса, уларнинг ҳар иккиси менинг устозим. Бирдан яхши фазилатларни ўргансам, бошқасининг хатолари орқали ўзимни тарбия қиламан». Айтишича, бу ўша болалар баҳшашаётган мавзу...

Икки воқеликни таққослаш сизга ҳавола. Бирдан улгу оласиз, бирдан фикр қиласиз. Демак, яхши ҳам, ёмон ҳам устоз бўларкан. Шаҳарда ҳам катталаримиз ана шундай ёшларга танбёҳ ва тарбия беришдан тортинмаслигини хоҳлардим...

..Аёл манзилида тушиб қолди. Атрофдагиларнинг бири «Яхши аёл экан», деса, бири «Муомаласи ширин экан», дея таъриф берди...

**Гулҳаё ҲУСАНОВА,**  
Фаргона вилояти Учкўприк тумани



2019 йилда 478 та қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

## Навоий шахрида яшовчи тadbиркор Сергей Кахаров, неча йилдирки, «Халқлар дўстлиги» кўчаси 9-даҳада жойлашган автотураргоҳни барпо этиб, худуд аҳоли-сига пуллик хизмат кўрсатиб келади. Автотураргоҳдан асосан маҳаллада яшовчи аҳоли фойдаланади.

Нима бўлди-ю, шу кўчада кўп қаватли тураржой қурилиши учун автотураргоҳ бузиладиган бўлиб қолди. Навоий шаҳар ҳокимлиги вакиллари С.Кахаровга ўзига тегишли ер майдони ҳокимликнинг захира ерлари фондига олин-иши, шунга кўра, унга шаҳардаги бошқа жойдан маиший хизмат ва савдо дўкони куриш учун ер ажратилишини айтди. Тadbиркор ҳокимлик билан ўзаро келишувга эришгач, автотураргоҳни бузишга розилик билдирди. Хуллас, унга Гулистон массивидан 62,7 квадрат метр ер майдони ажратиб бериладиган бўлди.

Аммо орандан анча вақт ўтса ҳам ҳокимлик ваъдасини бажаравермади. У идоранинг эшигида сарғай-сарғай су-

# Ҳокимлик ваъдасини бажарадими?

дга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Тadbиркор суддан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шах-


судила судья Ф.Жумакулов раислигида ўтказилган суд мажлисида ҳокимлик вакили тadbиркорнинг ҳақли талабини тан олмаслигини маълум қилди. Унинг айтишича, ҳақиқатдан ҳам, Навоий шаҳар «Халқлар дўстлиги» кўчасида кўп қаватли тураржой

раҳбари Сергей Кахаровнинг ёзган аризасидир. Аммо унга бошқа жойдан ер майдони ажратиб бериш масаласи кўтарилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги низомига кўра, юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилди ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланиши белгиланган. Шунингдек, Ер кодексининг 41-моддаси 2-қисмига асосан, Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

Суд, қонун талаби ва ишда аниқланган ҳолатларга асосланиб, Навоий шаҳар ҳокимлиги зиммасига фуқаро Сергей Кахаровга ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклашни лозим топди. Унга айнан ҳокимликдан давлат божи ҳам ундириладиган бўлди.

Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ,  
«Жамият» мухбири



сларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги низоом асосида бошқа жойдан ер ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқаришни сўради.

Бироқ Кармана туман маъмурий

қурилиши муносабати билан С.Кахаровга тегишли автотураргоҳ ер майдони ҳокимлик захира ер майдонига қайтарилган. Бунга асос эса «Уста Умар Авлоди» хусусий корхонаси

## Аҳоли мурожаатлари


**Таҳририятимизга юртдошларимиздан турли мазмундаги мурожаатлар йўланади. Улардаги фикр ва қарашлар, таклифлар ҳам турфа — баъзан ўринли, баъзан ўринсиз. Аммо аксариятида мақсад халқ манфаати, жамият ривожини, мамлакат тараққиётига қаратилган. «Жамият» эса уларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмайди.**

**Куйида муштарийларимиздан бирининг куюнчаклик билан билдирган мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

## Депутатлар билсин, англасин!

«Давлатимиз раҳбарининг сиёсий партиялар ва депутатлар билан бўлган учрашувидagi нутқида сиёсий партиялар ҳамда депутатларнинг узоқ йиллардан буён ўз ишига жиддий эътибор қаратмаётгани, сусткашликка йўл қўётгани танқид қилинди. Бундан аксарият халқ вакиллари ягона хулосаси шу бўлди: «Шу вақтгача қандай ишларни билмаган эканмиз». Шу ўринда биз — сайловчиларда ҳам ҳақли савол туғилади: Ҳўш, ишлаш қанақа бўлиши кераклигини нега энди тушундингиз? (Агар тушунган бўлсангиз, албатта.) Ахир, сизга халқ, давлат ишонч билдирган-ку. Ишларни урдасидан чиқмасангиз, ўрнингизни иш биладиган, муаммоларга ечим излайдиган, ишжоеатли кадрларга бўшашиб беринг, марҳамат!

Қизиқ-да, турли тadbирларда қарсақ чалишдан нарига ўтмаган, янги фикр ва гоялар бериб, чин маънода халқ дардини тинглашни билмаган айрим депутатлар қачонгача Президент айтганидан кейингина нима иш қилиш кераклигини англайди?! Сиёсий партиялар вакиллари ёки депутатлар ишти-



рокидаги йиғилишларда қачонгача қайта-қайта айтилавериб, ёд ҳам бўлиб кетган умумий гаплар ёки қонун ва қарорларнинг қуруқ шарҳини эшитамиз? Айни дамда сизу биз депутатларнинг у ёки бу долзарб масаладаги қандай аниқ ва «катта» ташаббусини биламиз?

Яна бир масала хусусида ҳам фикрларим билан бўлишим келди: кам таъминланган оилалар учун имтиёзли уйлар қурилмақда. Бунинг, аввало, жуда хайрли илоҳот эканини таъкидлаш жоиз. Аммо инсоф билан айтиш, уларнинг бошланғич тўловини кам таъ-

минланган оилалар тўлай ояптими? Мен 15 йилдан буён ижарама-ижара кўчиб юрган оддий ижодкор сифатида бу гапларни айтман. Менимча, бундай уйларнинг олдидан тўланадиган маблағини кейинчалик бўлиб тўлаш имкони яратилса ёки шу каби бошқа имтиёзлар тақдим этилса, ана ўшанда жуда кўп оилаларга енгиллик бўлади. Афсуски, ҳали бирор депутат бу масалалар-

ни кўтариб чиқмади. Ахир, уларни шу оддий халқ ўзининг ишончли вакили сифатида сайлаган-ку.

Хуллас, ҳозир Президентимиз сиёсатини қўлаб, шу халқ учун борини бериб ишлайдиган пайт. Бу жиҳатларни айнан депутатларимиз фаолиятида ҳам кўришни жуда естардик. Чунки бунга ҳар қанча ҳаққимиз!»

Баҳодир ҲАКИМОВ,  
Сирдарё вилояти,  
Сирдарё шаҳридан

## Ҳаёт ва қонун

### Аввало, ҳуқуқий онгни шакллантириш керак

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонунчилиқ мазмунини кенг оммага етказиш чора-тadbирларини амалга ошириш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур ва Юнусобод туман алдия бўлимлари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши курашни тўғрисида»ги Қонун мазмунини жойларда, айниқса, ёшлар қатламига тушунтириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Ана шундай тарғибот тadbирлари доирасида Шайхонтоҳур туманидаги 9 та коллеж ва 3 та лицей ёшлари қамраб олинди. Унда ёшларга қонун асосида экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар қай йўсинда тартибга солингани маълум қилинди.

Айтиш керакки, экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймастик, экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиши, молиялаштириш экстремизмнинг олдини олиш чора-тadbирлари сифатида белгиланган бўлиши керак.

2018 йил 1 августдан кучга кирган қонун мамлакатда экстремизмга қарши курашнинг мустақам ҳуқуқий асосини яратди. Зеро, бугунги даврда ким бўлишимиз ва қандай маъқега эга бўлишимиздан қатъий назар, ҳар биримизнинг вазифамиз экстремизм ҳамда терроризмнинг қабих ва ғарзли жинояткорона мақсад ва моҳиятини ёшлар, бутун халқимиз орасида тинимсиз фош қилиш асосида огоҳликка қақришдан иборатдир.

С.РАҲМОНОВ,  
Шайхонтоҳур туман  
Адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси  
Д.ҚОДИРОВ,  
Юнусобод туман  
Адлия бўлими катта маслаҳатчиси

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида олиб борилган изланишлар натижасида 1150 метр чуқурликда табиий газ кони аниқланди.



# АГРОБАНК ташаббускор ёшлар билан янги марраларни забт этади



**Бугунги кунда юртимиз олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба-ёшларнинг танлаган касблари бўйича етук мутахассислар бўлиб етишиши, келгусида молия-банк соҳаларида фаолият юртиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.**

2018 йилнинг 22 ноябрь кuni Президентимиз раҳбарлигида «Тижорат банклари фаолиятидаги тизимли муаммолар ва уларни банк тизими молиявий барқарорлигига ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири» мавзусига бағишлаб ўтказилган йиғилишда тижорат банклари олдига бир қатор муҳим топшириқ ва вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу йиғилишда берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан соҳага билимли, шижоатли ва

ташаббускор ёшларни ишга жалб этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, яқинда «Агробанк» олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт, банк-молия йўналиши бўйича иқтидорли ёшларни ишга жалб этиш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент Халқаро Вестминстер университети ва Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида тахсил олаётган талабалар ўртасида танлов ўтказди.

Мазкур танлов банкнинг мутахассислари иштирокида белгиланган мезонлар асосида ташкил этилди. Унда талаба-ёшларнинг молиявий-иқтисодий ва замонавий ахборот технологиялари бўйича олган билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди. Танлов якунига кўра, улар орасидан энг иқтидорли 5 нафари саралаб олинди ва ишга қабул қилинди.

Шуни қайл этиш жоизки, эндиликда ёшлар назарий жиҳатдан олган билимларини амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда тажрибали «Агробанк» ходимлари билан устоз-шогирд аънанаи асосида фаолият олиб боради.

Келгусида ёш мутахассислар нафақат «Агробанк» тараққиётини янада ривожлантиришга, балки янги ютуқ ва марраларни забт этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

«Агробанк» АТБ матбуот хизмати

*Мен онасининг юз-кўзини унутган, уйнинг тўрига онасининг суратини қўймаган кимсаларнинг виждонли эканига ишонмайман.*

Расул ҲАМЗАТОВ,  
Догистон халқ шоири

## «Пахтакор» «ўлим» гуруҳида

Осиё Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига йўл олган барча жамоалар номи маълум бўлди.

Хусусан, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Д» гуруҳида Эроннинг «Персеполис», Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» ҳамда Қатарнинг «Ал-Салд» клублари билан куч синашди. Шунингдек, Ўзбекистон чемпиони «Локомотив» эса «В» гуруҳида «Ал Ваҳда», «Ар-Райан» ҳамда «Ал-Иттиҳод» билан кейинги босқич масаласини ҳал қилади. Гуруҳ босқичининг илк ўйинида темирўлчилар 4 март кuni «Ал-Ваҳда»ни қабул қилади. «Пахтакор» эса 5 март кuni сафарда «Персеполис» қаршилигидан ўтишига тўғри келади.

## Мерганларимизнинг нишони Ҳиндистонда

Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўқ отиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич бахсларига старт берилди.

28 февралга қадар давом этадиган турнирда жаҳоннинг 58 мамлакатидан 495 нафар спортчи Токио — 2020 олимпиадасига рейтинг очколари учун ҳам беллашади. Эътиборлиси, мусобақада ўзбекистонлик мерганлар ҳам совринли ўринлар ҳамда қимматли рейтинг очколари учун кураш олиб борали.

## Боксчиларимиздан навбатдаги медаллар

Бокс бўйича Болгарияда ўтказилган аънанавий турнирда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари иккитадан олтин ва кумуш ҳамда битта бронза медалини кўлга киритди.

Қизикарлиси, 56 килограммгача вазн тоифасидаги финал баҳсида икки ўзбек спортчиси — Миразиз Мирзаҳалилов ва Абдулҳай Шораҳматов олтин медал учун ўзаро куч синашди. Яқунда Миразизнинг кўли баланд келди. Вазни 69 килограммгача бўлган ҳамюртимиз Бо-



Киска сатрларди уқин?

2023 йилгача Ўзбекистондаги барча йўл белгилари замонавийларига алмаштирилади. Жорий йилда 81 минг 862 та янги йўл белгиси ўрнатилади.

Б-ХАВО	
☀️ +11°C	🌙 -1°C
☀️ +14°C	🌙 +1°C
☁️ +13°C	☁️ +2°C
☀️ +12°C	🌙 +2°C
☀️ +13°C	🌙 +2°C
☀️ +15°C	🌙 +6°C
☁️ +13°C	🌙 +6°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

## ЖАМИЯТ

### Муассислар:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлабқувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

«Махалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

### Бosh муҳаррир

Мақсуд ЖОНИХОҲОВ

### Тахрир ҳайъати:

Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Саид-Абдулазиз Юсупов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов  
Феруза Мирақомилова

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-214 Адади: 2508.

Жума кuni чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Хайрулло Астанакулов

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87.

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА Якуни: Топширилган вақти: 21.15

1 2 3 4 6